



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2022

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербургда Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Сайнова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети


**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети


<b>1. Ольга Кобзева, Нодирабегим Ваисова</b> ЎРТА АСРЛАРДА ХИТОЙДА СУҒД МАДАНИЯТИ.....	4
<b>2. Фуркат Бозоров</b> БУГУНГИ КУН ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИНИНГ ТАСВИРИЙ ЕЧИМИ.....	12
<b>3. Муслима Базарова</b> ПАРАЛИМПИАЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	16
<b>4. Бахтиёр Болтабаев</b> XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИДАГИ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР.....	23
<b>5. Гулчеҳра Султанова</b> СУРАТГА МУҲРЛАНГАН ТАРИХ: ХИВАЛИК УСТАЛАР.....	27
<b>6. Холмамат Раупов</b> МУРУНТОВ – ЖАҲОННИНГ НОЁБ ЖАВОҲИРИ.....	33
<b>7. Саламат Сулайманов</b> XX АСР БОШИДА АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИ ТАРИХИДАН.....	39
<b>8. Ислом Қаршиев</b> XVII-XVIII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ ҒОЯЛАРНИНГ ГУМАНИСТИК МОҲИЯТИ (СЎФИ ОЛЛОЁР, ҲУВАЙДО АСАРЛАРИ АСОСИДА).....	46
<b>9. Манзура Хасанова</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРИХИЙ РЕТРОСПЕКТИВАДА.....	53
<b>10. Бахромжон Хайназаров</b> ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ ТАРИХИДАН.....	60
<b>11. Нодира Раджабова</b> “МАВРИГИ”ЛАР БУҲОРО ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ НОДИР НАМУНАСИ СИФАТИДА.....	65
<b>12. Юлдуз Холхужаева</b> САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ РУС МАНБАЛАРИДА (XIX АСР II-ЯРМИ).....	73



Гулчехра Озодовна Султанова,  
МРДИ мустақил изланувчиси,  
Урганч Давлат Университети  
gulchekhra.sultonova.73.@inbox.ru

## СУРАТГА МУҲРЛАНГАН ТАРИХ: ХИВАЛИК УСТАЛАР

**For citation:** Gulchekhra O. Sultanova, HISTORY IN THE PICTURE: KHIVA'S MASTERS. Look to the past. 2022, vol. 5, issue 12, pp.27-32

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7482928>

### АННОТАЦИЯ

Бу мақолада илмий изланишлар натижасида бир суратнинг тарихи ва ундаги амалий санъат усталаринг исми, шарифи аниқланган ҳамда уларнинг ҳаёти ва ижоди билан таништирилган. Бундан ташқари, бу хунарманд усталарнинг суратлари ва ижодий ишлари Хива “Ичан қалъа” давлат музей кўриқхонасида сақланаётганлиги баён этилган. “Умид” артели ва унда фаолият юритган усталар билан танишиш мумкин. Музейдаги амалий санъат намуналарини ҳамда хоразмлик уста хунармандларни ҳаёти ва ижодини ўрганишда қадимий фотосуратларни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** Фотосуратлар, музей, хивалик усталар, архив хужжатлар, Хива, Умид артели, Боғбек Махмудов, Хўжанияз Сайидниязов, Куряз Бобожонов, Абдулло Болтаев, Рўзмат Машарипов, Ота Полвонов.

---

Гульчехра Озодовна Султанова,  
самостоятельный соискатель НИИД,  
Ургенчский государственный университет  
гульчехра.султонова.73.@inbox.ru

## ИСТОРИЯ В КАРТИНЕ: ХИВИНСКИЕ МАСТЕРА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье в результате научного исследования определена история одной фотографии, имена и фамилии мастеров прикладного искусства, запечатленные в ней. В статье также представлена их жизнь и творчество. Кроме того, утверждается, что фото и творческие работы этих мастеров хранятся в Хивинском государственном музее-заповеднике «Ичан қалъа». Вы сможете ознакомиться артемом «Умид» и мастерами, работавшими в ней. Дана информация о важности изучения в музее образцов прикладного искусства и изучения жизни и творчества хорезмских мастеров-ремесленников.

**Ключевые слова:** фотографии, музей, хивинские мастера, архивные документы, Хива, Артель “Умид”, Богбек Махмудов, Ходжанияз Саидниязов, Куряз Бобожонов, Абдулло Болтаев, Рузмат Машарипов, Ота Полванов.

**Gulchekhra O. Sultanova,**  
independent researcher of the NIAD,  
Urgench State University  
gulchekhra.sultonova.73.@inbox.ru

## HISTORY IN THE PICTURE: KHIVA'S MASTERS

### ABSTRACT

In this article, as a result of scientific research, the history of photographic negatives and the names and surnames of masters of applied art in it are determined, as well as their life and work are presented. In addition, it is alleged that the photographic negatives of the work of these masters are stored in the Khiva State Museum-Reserve "Ichan kala". You will be able to get acquainted with the artel "Umid" and the craftsmen who worked in it. Information is given on the importance of studying samples of applied art in the museum and studying the life and work of Khorezm craftsmen.

**Index Terms:** photographs, museum, Khiva masters, archival documents, Khiva, Arteli Umid, Bogbek Makhmudov, Khojaniyaz Saidniyazov, Kuryaz Bobozhonov, Abdullo Boltaev, Ruzmat Masharipov, Ota Polvanov.

### 1. Долзарблиги:

Маълумки, тарихий фотосуратлар мамлакатимиз ва халқимиз тарихи билан учрашиш, у билан ғойибона мулоқотда бўлиш имкониятини беради, қалбимиздаги тарих туйғусининг янада бойиши ва тиниқлик касб этишига ҳалол хизмат қилади. Айнан, фотосуратлар ўзига хос санъат намунаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам суратларни асраб, авайлаб сақлаймиз. Уларни томоша қилганда ўша даврни, суратдаги инсонларни эслаймиз ва улар ҳақида фикр юритамиз. Суратлар бизга тарихдан сўзлайди, ўтмишга назар солишга, мушоҳода юритишга имкон беради. Биз бу мақолада илмий изланишлар орқали тарихий бир сурат ва суратдаги усталарнинг ҳаёти ва ижоди билан танишишни мақсад қилиб қўйдик. Муоммони ҳал қилиш учун илмий адабиётлар ва музей архив ҳужжатларини ўрганишга, соҳа мутахассислари билан суҳбатлашиш орқали масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, киёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Хива “Ичан қалъа” давлат музей кўриқхонасида сақланаётган хунарманд усталарнинг суратлари ва ижодий ишлари, “Умид” артели ва унда фаолият юритган усталар, музейдаги амалий санъат намуналарини ҳамда хоразмлик уста хунармандларни ҳаёти ва ижодини ўрганишда қадимий фотосуратларни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида маълумотлар берилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

“Ичан қалъа” давлат музейи “Амалий санъат” бўлимида машҳур фото, кино ижодкори Худойберган Девонов ва унинг издошлари суратга олган фотосуратлардан намуналар стендларда намойиш этилмоқда. Бу сурат намуналари музей экспозициясини кенгрок ёритишга имкон беради. Суратларда хивалик наққош ва ўймакор усталар Ота Полванов, Абдулло Болтаев, Сапо Боғбеков каби машҳур усталарнинг ижодий иш жараёнлари акс эттирилганини кўрамиз, кейинги суратда эса уста хунармандлар анжумани бўлаётган вақти муҳрланган, бундан ташқари яна бир фотосурат диққатимизни тортади. Суратда хивалик машҳур амалий санъат усталари акс эттирилган, лекин суратдаги усталарнинг номлари келтирилмаган. Томошабинларнинг бу суратдагилар кимлар эканлиги билан қизиқиши табиий ҳол албатта. Бу суратни Д.Бобожонов, М. Абдуллаевларнинг “Хоразм амалий санъати усталари [1] номли китобида, К.Абдуллаев “Нақшларга битилган умр”[2] номли китобида ҳам кўриш мумкин, лекин биринчи китобда сурат тагига фақат хивалик усталар деб ёзилган бўлса,

иккинчи китобда 1936 – 37 йилларда Кўхна арк биносини таъмирлашда иштирок этган хивалик усталар деб ёзилган ва фақат тўртта усталарнинг исми шарфлари келтирилган холос. Мени суратдаги қолган шахслар кимлар эканлиги қизиқтириб қўйди. Кейин бу усталар ҳақида адабиётлардан изландим. Лекин айрим усталар ҳақида ёзма маълумотлар топилсада, лекин фотосуратларини топиш жуда қийин, чунки ўша даврда фотосуратлар жуда кам туширилган. Шундан сўнг хоразмлик санъатшунос Озод Султанов билан бу сурат ҳақида суҳбатлашдим. Санъатшунос бу усталарни тўлиқ ҳаммасини танимаслигини, лекин кўпчилигини яхши танишини, айримлари билан учрашганлиги, суҳбатлашганлигини фахр билан тилга олди. Санъатшунос ижодий фаолияти давомида кўпгина усталар билан учрашган, улар ҳақида мақолалар ёзган. Сурат ҳақидаги маълумотларга янада аниқлик киритиш мақсадида “Ичан қалъа” давлат тарихий-мемориал музей-қўриқхонаси фонди архив хужжатлари билан танишдим ва бу суратдагилар кимлар эканлигига ойдинлик киритдик. Музей архивидаги фотосуратлардан КП 3095, ИНВ 737 рақамли, 14x18 ўлчамдаги сурат[3] айнан биз излаган суратнинг асл нусхаси экан. Биз бу сурат ҳақидаги маълумотлардан бу суратдаги шахсларнинг исми, шарфларини музей ходимлари билан биргаликда аниқладик. Биз изланишларимиз орқали суратдаги қиёфаларга аниқлик киритдик ва булар билан таништирамиз.



Биринчи қаторда (чапдан ўнгга): “Умид” артелида цех бошлиғи Абдулла Рахимов, Аҳмед Маҳмудов (1920 йилда ЦКХ партияси котиби ёрдамчиси); Боғбек Мамҳмудов-ўрачи (Сафо Боғбековнинг отаси); Иккинчи қаторда (чапдан ўнгга) кандакор, наққош, муҳркон уста Хўжанияз Сайидниязов; ганчкор, тоштарош уста Куряз Бобожонов; музей директори, соатсоз уста Султон Жуманиёзов; хаттот, наққош Абдулло Болтаев; “Умид” артели раиси Жуманияз Атажонов; наққош, ганч ўймакор уста Рўздат Машарипов; ёғоч ўймакор уста Ота Полвонов. Суратнинг орқасида усталар исми ва фамилияси билан сурат олинган йил 1937 йил ва ушбу сурат Франциянинг пойтахти Парижга юбориш учун Хива “Умид” артелига буюртма этилган ўра (устун), қопи (эшик) нақш ишларни ишлашда иштирок қилган усталар ва бошқалар деган криллча ёзувлар бор.

1935 йилда Хивада очилган “Умид” артели қошида наққошлик, ўрачилик цехи очилиб, унга Абдулла Болтаев ва ўрачиларнинг бош устаси Ота Полвоновлар бошчилик қилдилар, шу орада Тошкентдан нодир бир устун ишлаш тўғрисида таклиф келган, устун нақшини Абдулла Болтаев тайёрлаб, қолган ишларни Ота Полвонов бажарган”[2] деган маълумотларни 1995 йилда нашр қилинган Комил Абдуллаевнинг “Нақшларга битилган умр” китобида кўришимиз мумкин. Демак, “Умид” артелида бир қатор таниқли наққош, ганчкор, ёғоч, тош ўймакори усталари фаолият олиб борган. Ушбу суратда Хивадаги “Умид” артелида фаолият олиб борган

усталар ҳам борлиги сабаб шу усталарнинг. иждодий фаолияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

### **Богбек Махмудов Абдурахмон ўғли (1873 – 1958 йиллар)**

1973 йил Хивадиги Сангал қишлоғида хунармандлар оиласида туғулган. Наққошлик, дурадгорлик, чўпчилик, ёғоч ўймакорлигини отаси Абдурахмон устадан ўрганиб 16 ёшида мустақил ишлай бошлаган. Отаси Абдурахмон билан кўпгина масжид, мадраса ва шахсий хўжалик хонадонларига устунли айвонлар қилганлар. Уста Боғибекни колхоз тузими даврида Қўшқўпир туманига боришини ва у ерда дурадгор уста йўқлиги сабабли Оқён маҳалласига кўчиб бориб шу ерда фаолиятини бошлаганлар. У ерда колхоз учун зарур бўлган арава, чигир, замбил, эшик ва дурадгор нима қилиш шарт бўлса барчасини бажарган. 1953 йили касаликка чалиниб Хивага қайтиб келган. 1958 йили вафот этган.

**Қурёз Бобожонов**-XX аср бошларида Хивада ганчкор, тоштарош уста сифатида танилган. Устанинг “Ичан қалъа” давлат музейи Амалий санъати бўлимида КП 115 рақамли ганчдан ишланган панноси намойишга қўйилган. 1950 йилда ишланган КП 1664 рақамли ўсимликсимон “олмагул”, “ислимий” нақшлари ўйиб ишланган квадрат шаклидаги ганч панно ҳам музейда сақланади.

**Рўзмат арбоб Машарипов** – Хиванинг машҳур ганчкор, гилкор, наққош, курувчи устаси ҳисобланади. Уста Рўзмат 1895 йилда Хива шаҳрида туғилган. У ёшлигидан Хиванинг таникли усталарига шогирд тушиб, улардан наққошлик, ўймакорлик сирларини ўрганган. XX аср бошида Рўзмат уста курувчи, қўли гул наққош бўлиб, эл ва хон назарига тушган. Хиванинг ташқи қалъаси Дишан қалъанинг шимолий дарвозаси Қўшадарвоза мажмуасини қуришда ишбоши бўлган. Уста 1912 йилда Асфандиёрхон (1910–1918)нинг топшириғи билан Дишан қалъадаги Нуруллабой саройини қабулхона қисмини Худойберган хожи, Нурмат наққош, Қурёз чаққон, Бобожон бола каби усталар билан бирга ишлаган. Бу қурилишда кўрсатган жонбозлиги учун хон Рўзмат Машариповга усталарнинг устаси – “арбоб” унвони бериб, уни бош-оёқ сарпо билан сийлаган. Шундан кейин уста “Рўзмат арбоб” дея элга машҳур бўлган ва хон уни Кубла тозабоғ ҳамда Орқа тозабоғ ёзги сарой қурилишларига таклиф қилган. Р. Машарипов Хивадаги обидаларни қуриш билан бирга, кейинчалик уларни таъмирлашда ҳам иштирок этган.[2] Уста 60 ёшида Паҳлавон Махмуд мақбарасини таъмирлашга киришган. Муқаддас ва салобатли зиёратгоҳни асл ҳолига келтириш осон эмас, айти пайтда ҳам савоб, ҳам фахр эди. Кекса уста ноёб ёдгорликни қайта тиклашда бор маҳорати, теран билими ва иқтидорини тўла намоён қилган. Мақбаранинг бузилган жойлари асл ҳолига келтирилгач, улуғвор гумбазли ушбу меъморий обида худди аввалгидек кўркамлик касб этди. Хива “Ичан қалъа” давлат музей кўрикхонасида Хоразм амалий санъати бўлимининг ганч ўймакорлиги залида Рўзмат арбоб Машарипов томонидан 1937 йилда Ота дарвоза тасвири туширилган ва ислимий нақшлар билан безатилган ганч намоён сақланади[4]. Ушбу ноёб намоён нақш, безаклари жуда нозик дид билан ишланганлиги боис эътиборни ўзига тортади.

Суратдаги усталардан бири кандакор, наққош, муҳркон **Хўжанияз Сайидниязов** бўлиб у Хивада туғилиб ўсган. (1880 – 1942 ) Ушбу уста томонидан 1910 йилда қизил мисдан ўйма усулда ишлаган таглиги(капи)га ислимий нақш берилган қумбон музейда сақланади. Идишнинг марказига бўртма шаклда бодом, унинг ичига мураккаб ислимий нақш остига “мадохил”, “новда” ва бошқа нақшлар туширилган.[4] Бодом атрофига “арқон” нақши ишланган. Қумбоннинг жўмрага, бўйни ва қопқоғига ҳам ислимий нақш ишланган. Хоразм кандакорлигида Худойберган Матчонов, Собиржон, Юсуф ва Матпано Худайберганов, Матёқуб Жонибеков, Бекжон Ёқубов, Отажон Мадрахимовлар қатори Хўжиниёз Саидниёзов ҳам шуҳрат қозонган.

Юқорида келтирилган суратдаги усталардан бири Хоразм наққошлик мактаби асосчиси, Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти соҳиби **Абдулла Болтаевдир**. Уста 1890 йил августда Хива шаҳрида бўёқчи оиласида туғилган. Отаси Муҳаммад Мурод Саид Пано ўғли Болта Хива яқинидаги Париша қишлоғида таваллуд топган. Болта бўёқчилик касбини ўргангач, шаҳарга кўчиб келган ва ўз ишининг моҳир устаси бўлиб танилган. 1910 – 1912 йилларда Хивада почта, телеграф, касалхона бинолари қурилган. Бу иншоотларнинг

биноси кошинларини хонқалик уста Болта Ваисов ва Мадрахим Мадаминов ишлаган. Наққошлик ишларини бажаришда эса рассом Абдулла Болтаев қатнашган. У ўшанда хонқалик усталардан кошинга нақш туширишнинг барча турларини мукаммал ўрганиб олган. 1912 йилда у устози Эшмухаммад Худойберди ўғли билан бирга Хивадаги Исломхўжа мадрасасининг нақши ва кошинларини ишлаган. 1910 – 1912 йилларда қурилган Нуруллабой саройи залининг кошинларини ишлашда ҳам Абдулла Болтаев шогирд бўлиб қатнашган. XX аср 20-йилларда Абдулла Болтаев Хоразмда ўймакор наққош сифатида танилган. А. Болтаев 1920 – 1924 йилларда Хоразм Халқ Совет Республикасининг Маориф нозирлигида хўжалик ходими, саркотиб ва ғазначи, 1924 йилдан умрининг охиригача эса Хива музейида мудар, хўжалик мудир ва илмий ходим лавозимларида ишлаган. У XX аср 30-йиллардан тарихий обидаларни таъмирлашда бош наққош, чизувчи уста бўлиб ишлаган. Кўхна Арк саройининг арзхона айвони нақшлари ҳамда айвон пештоқи ва шифтини янгидан ишлашда бош уста қилиб тайинланган. Абдулла Болтаев Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри биносининг Хива залини безашга бошчилик қилган. Наққош 1966 йил 15 декабрда Хива шаҳрида вафот этган. У ўздан бетакрор нақшлар ва ўнлаб шогирд қолдирган. [5]

Фотосуратдаги усталардан яна бир машхур ёғоч ўймакор уста **Ота Палвоновдир**. Ота Палвон 1867 йилда хивалик ёғоч ўймакор уста Полвон Абдусатторов оиласида дунёга келдган. У болалик даврлариданоқ ёғоч ўймакорлиги санъатига меҳр қўйди ва дастлабки сабоғини бобоси уста Абдусаттордан, кейинчалик эса отаси уста Полвондан санъат сирларини ўрганди. Хивадаги кўпгина биноларнинг дарвоза, эшик ва устунларини безашда қатнашди. 1934 йилда Ота Палвонов кўхна обидаларни таъмирлаш ишларида иштирок этиб наққош Абдулло Болтаев тайёрлаган улги (ахта) асосида устун ва эшикларни қайта таъмирлади. Аркдан ташқари Тошховли, Нуриллабой саройи ва бошқа ва қадимий биноларни қайта таъмирлаш ишларида иштирок этди. Ота Палвонов ва наққош Абдулла Болтаев ҳамкорлиги кўп муваффақиятларга олиб келди. Машхур уста шогирди Сапо Боғибеков билан биргаликда наққош Абдулла Болтаев кўмагида 1937 йилда тайёрлаган ёғоч устун Париждаги халқаро кўргазмада олтин медаль ва биринчи даражали диплом билан тақдирланган. 1940 йилдан бошланиб 7 йил мабойнида бунёд этилган Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театри биносининг Хива залида фойелари учун эшикларни жозибадор ва гўзал нақшу нигорлар билан безади. 1962 йилда эса Урганч вокзали учун икки ва тўрт табақали эшикларни, Бадий кўргазмалар дирекцияси учун ва устунларни ёғоч ўймакорлигининг Хива услубига хос бетакрор нақш композициялари билан безади. Ота Палвонов умрининг охиригача ёғоч ўймакорлигининг Хива мактабини ривожига бекиёс ҳисса қўшди. Ота Палвонов безаган асори атиқалар ўзининг нафислиги ўзига хослиги ва гўзаллиги билан ажралиб туради. У ўзи эгаллаган санъат сир-асрорларини ёшларга ўргатди. Унинг шогирдларидан бири Сафо Боғибековдир. Музейдаги амалий санъат экспозициясида Ота Палвонов ижодига мансуб икки табақали ёғочдан ўйиб ишланган қадимий ноёб эшик сақланмоқда. КП 200 рақамли бу эшик 1946 йилда ишланган бўлиб, наққош Абдулло Болтаев ва ўймакор уста Ота Палвоновнинг биргаликдаги ижод намунаси ҳисобланади. Ўймакор эшик ҳажми 193x112 см икки табақали бўлиб унда “мадохили”, “хошия”, “уч япроқ”, “олма гул”, “бодом гули”, “кўчқор шохли япроқ” нақшлари композицияси иккала табақада симметрик равишда тақдорланган. Эшикдаги нақшлар майда ва нафис қилиб ўйиб ишланган[6].

Биз изланишларимиз ва тадқиқотларимиз натижасида бир гуруҳ хивалик усталарни суратлари орқали танишдик. Шу сурат орқали таниқли Хоразм амалий санъати усталарини эсладик ва уларнинг ҳаёт ва ижод йўллари билан яқиндан танишдик. Биз қадимдан Хоразм илм-фан, маданият ва санъат хунармандчилиги ривожланган илғор ўлкалардан бири бўлганлигига яна бир бор амин бўлдик. Бу изланишларимиз натижаси албатта илмий изланувчилар, тарихчилар, санъатшунослар ва шу соҳага қизиқувчилар учун муҳим манба бўлади. Чунки биз юкорида қайд қилиб ўтган усталарни айримлари ҳақида эшитганмиз-у лекин ўзларини кўрмаганлигимиз сабаб уларни қиёфаларини тасаввур қила олмаймиз, мана энди уларни суратлари орқали танишдик ва бемолол ёшларимизга, фарзандларимизга суратлардаги инсонларни бирма-бир кимлигини айта оламиз. Уларга ота-боболаримиз қандай

кўлигул уста хунармандлар бўлганликлари ва уларнинг сермашаққат меҳнати самараси натижасида яратилган бетакрор иморатлар, тарихий обидалар бунёд этилганлиги ва бизга улар мерос бўлиб қолганлиги тўғрисида ғурурланиб гапириб бера оламиз.

Бугунги кунда миллий анъаналарнинг сақланиб қолишига ва замонавий амалий санъатнинг ривожланишида, ҳар бир халқларнинг миллий маданиятини, тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Тарихимиз ва маданиятимизни ўрганишда Республикамиз музейларидаги амалий санъат коллекциялари ва қадимий фотосуратлар муҳим манба ҳисобланади.

Музейдаги амалий санъат намуналарини ҳамда ҳоразмлик уста хунармандларни ҳаёти ва ижодини ўрганишда суратлар билан яқиндан танишиш муҳим аҳамиятга эга. Томошабинларни экспозициядаги санъат асарлари билан таништириш билан бир қаторда бу санъат намуналарини яратган уста хунармандлар ҳаёти ва ижодий фаолиятини ёритиш, суратларини намойиш қилиш орқали таърифлаш янада мазмунли, қизиқарли бўлишига ёрдам беради.

Музейларга ташриф буюриш ва экспозициясидаги амалий санъат буюмларини томоша қилиш, усталар ҳаёти, ижодини ўрганиш томошабинларнинг ва айниқса ёш авлоднинг маънавий олами бойишида, тарихни ўрганишда, бадиий диди шакилланишида муҳим аҳамиятга эга. Тарихимизни, маданият ва санъатимизни ўрганиш орқали ёшларнинг миллий меросимиз, санъатимизга меҳр-муҳаббати ошади, миллий санъатимизни, кўл меҳнатини кадрлашни ўрганади, касб-хунар сирларини билишга қизиқиши ортади. Ёшлар қалби ва онгида Она Ватанга муҳаббат, фахр ва муҳаббат туйғусини шаклланади.

#### Иктибослар/Сноски/ References:

1. Бобожонов Д., Абдуллаев М. Хоразм амалий санъат усталари. – Хива: Хоразм Маъмун академияси, 2010. – 100 б. (Bobojonov D., Abdullaev M. Khorezm masters of applied arts. – Khiva: Khorezm Mamun Academy, 2010. – 100 p.)
2. Абдуллаев К. Нақшларга битилган умр. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1995..47-48 б. (Abdullaev K. Life written in patterns. – Tashkent: Gafur Ghulam Publishing House of Literature and Art, 1995.. 47-48 p.)
3. Хива давлат музей кўриқхонаси архив ҳужжатлари (Archive documents of the Khiva State Museum Reserve.).
4. Хива давлат музей кўриқхонаси, КП 114, КП 115, КП 132 (Khiva State Museum Reserve, КР 114, КР 115, КР 132)
5. Абдуллаев М.С. Хоразм амалий безак-санъатининг ривожланиш тарихи (XVI-XX аср бошлари). Санъатшунослик фанлари буйича фалсафа доктори (Phd) дисс.автореф.. – Тошкент, 2018. - 53 б. (Abdullaev M.S. The history of the development of Khorezm applied decorative art (XVI-XX centuries). Doctor of philosophy (PhD) diss. avtoref.. - Tashkent, 2018. - 53 p.)
6. Султанова Г. Хива ёғоч ўймакорлиги санъатида анъаналар давомийлиги (“Ичан қалъа” музей-кўриқхонасидаги хива ёғоч ўймакорлиги намуналари мисолида)//“Ўзбекистон амалий санъати ва хунармандчилиги: анъана ва инновациялар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияси. Мақолалар тўплами. 2022. (Sultanova G. Continuity of traditions in the art of Khiva woodcarving (in the case of examples of Khiva woodcarving in the "Ichan Castle" museum-reserve)//International scientific-practical conference on "Applied arts and crafts of Uzbekistan: traditions and innovations". A collection of articles. 2022.)

# ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000